

Ушбу сонда:

2 Диккат, ташаббус! ОЙЛИК МАОШ икки баробар оширилди

3 ҚИШ ИМТИХОН ҚИЛАДИ

4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 декабр, сешанба №193 (1410)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Айдин Алибекович Азимбековни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида
 Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда тузилган кунининг етмиш йиллиги муносабати билан Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Айдин Алибекович Азимбеков «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
 Тошкент шаҳри,
 2002 йил 9 декабр

ХАЛҚИМИЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ ВА ДОНИШМАНДЛИГИ САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Мухтарам Президент! Хурматли тантанали йиғилиш қатнашчилари! Бугун барчамиз мамлакатимиз ҳаётидаги улкан сиёсий-ижтимоий воқеа - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллигини кенг нишонлаяпмиз. Хар бир мамлакат ва

жамият тарихида шундай улғу саналар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурининг самараси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига киради.

Конституциямиз қабул қилинганидан буён орада ўтган ўн йиллик вақт бугун шу ҳақиқатни исботламоқдаки, Асосий қонунимизда акс эттирилган барча қоидалар, ҳуқуқий нормалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида яққол ўз ифодасини топмоқда. Шу ўринда Конституция-

миз қабул қилинган давр янги тарихимизнинг ўта мураккаб ва чигал кунларига тўғри келганини таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Маълумки, Ўзбекистон халқи ўтмишда 130 йил мустамлакачилик, қуллик азобини тортди, миллионлаб қурбонлар берди: большевизм зулмини кўрди, коммунизм

мафқураси билан сугорилган СССР Конституцияси амал қилган йиллардаги қатагон туфайли минглаб азиз фарзандлари, буюк зиёлиларидан айрилди. 1989 йил май-июн ойларида Фарғона водийсида фожияли воқеалар рўй берди. Мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушган ана шу

вақтда Ўзбекистон раҳбари этиб Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов сайланди. Юртбошимиз Фарғона, Паркент-Бўка, Ўш-Ўзгандаги даҳшатли фожиялар ичида юриб, ўз жасорати ва қатъияти, сиёсий иродаси билан юртимизда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлади. Айна ўша пайтда халқимизнинг тарихи, хоши-иродаси, маънавияти, маданиятини ўзида мўжасамлаштирган янги, мустақил дунёвий давлат-Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиб зарурати кун тартибига чиқди. (Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу Ислоҳ аҳли муборак Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр-ни нишонлаётган онларда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва ўз номидан Сизга энг самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Қодир Аллоҳ таъоло шундай бахтиёр дилларни Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт, биродарлик, биродар халқингизга ва бутун ислом умматига давомий тараққиёт ва фаровонлик ила ато айласин. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу. Биродарингиз,

Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таъолодан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва бахт, биродар халқингиз ва буюк ислом умматига тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиром ила,
Муҳаммад Хусний МУБОРАК, Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Муборак Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига кизгин табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига давомий тараққиёт тилайман.

Юксак эҳтиром ила,
Зоиғ бин Султон Ан-НАХАЁЕН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Инсоннинг олий фазилатлари намён бўладиган қутлуғ байрам -Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқини муборакбод этаман.

Илоҳий марҳаматлар ёғиладиган муборак ойда ҳозир бўлишдек буюк бахтни ислом умматига насиб этиб, бирдамлик ва дўстлик йўлидан қадам ташлаш олишлари учун иноят кўрсатган раҳлими Эгамга шукроналар айтман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса иззат-икром ва юксалиш тилаб қоламан.

Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ, Эрон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини самимий табриклайман ва шу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилайман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР, Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
 Жаноби Олийларига! Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу. Муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман.

Аминманки, бу муқаддас байрам инсониятнинг бахт-саодати учун ислом дини тараққиёти ва ривожланиш йўлида дунёдаги барча мусулмонларни бирлаштиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, омонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Иажуддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМОНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ҳамончи сессияси 2002 йил 12 декабр кунин эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари дикқатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 11 декабр кунин соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинди.

Сийвсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар дикқатига

Олий Мажлисда 10 декабр кунин соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси, 15.30 да эса «Миллий тиклиниш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 10 декабр кунин соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 11 декабр кунин соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

МАДҲИЯМИЗ - БОШ ҚЎШИҒИМИЗ

10 декабр кунин Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 10 йил тўлди

Кунин кеча ҳаётимиз ва тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси - Конституциямиз қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали байрам маросими, одатдагидек, Давлатимиз мадҳияси ижроси билан бошланди. Дилларни чексиз гурур ва ифтихор туйғуларига ошно этувчи Маҳдия садоларини Президентимиз Ислоҳ Каримов иштирок этган улкан анжуман аҳли тик туриб нафақат тинглади, балки улғуров ва умидбахш мисраларга жўр бўлди. Қалбларда яна бир бор яратувчилик ва бунёдкорлик гайрат-шижоати жўшурди.

Бугун ана шу сурурбахш фаҳриямиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 10 йил тўлди.

Ҳаётимиз, ҳуриятнинг муаззам садоси бўлмиш бу оҳанрабо тарона мустақил давлатимиз тузумини, халқимиз табияти, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англададиган энг муҳим тинчлик қаторида эъзозлаб келинмоқда.

Конституциямиз ва бошқа давлат рамзлари қатори Маҳдия

тарихи ҳам, аслида, ҳали советларнинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган даврларга бориб тақалади. 1990 йил март ойидаёқ «Юртбошимизнинг ташаббуси ва фидокорона саъй-ҳаракатлари билан давлат рамзлари ҳақида» масала парламент сессиясида муҳокама қилинган эди. Ҳаётимиз 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этажиги қайд этилди.

Истиқлол шарофати туфайли кенг ва кизгин руҳда кенгачан ижодий жараёнлар умумхалқ муҳокамалари натижаси ўлароқ, 1992 йил 10 декабр кунин Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композитор Мутал Бурҳон мусиқаси жўрлигидаги муқаммал қасида намунаси - мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири - Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси тасдиқланди.

Шундан буён мамлакатимиз

раҳбари ҳажонинг турли давлатларига ташриф буюрганида, муътабар халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганда, овоз Ўзбекистонга эҳтиром тинчлик сифатида Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Шунингдек, Маҳдия садолари остида юртимизга келган танниқли давлат ва ҳуқуқат раҳбарлари кутиб олинмоқда ва кузатиб қўйилмоқда. Мамлакатимиз доирасидаги турли нуфузли тантаналар, юртимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги йирик сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва нуфузли спорт мусобақалари чоғида ҳам ана шу шукли тарона жаранглаётди.

Мусиқа ва қўшиқ минг йиллар давомида инсонлар қалбини юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келётгани, бу ёруғ оламни яна ҳам мунаваар этиб кўрсатадиган илоҳий мўъжиза экани барчамизга аён.

Айна чоғда, агар оҳанг ва сўз ботинида халқ хусусиятларию Ватан фазилатлари бири-бири билан уйғунлик касб этса, юртпарварлик ва халқсеварлик туйғулари, миллатнинг асрий эзгу

ниятлари, орзу-армонлари, ўтмиши, бугуни ва эртаси ўзаро вобаста бўлса, бундай тарона том маънода халқнинг Бош қўшиғига айланажagini Маҳдиямиз мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Ишончимиз комилки, истиқлолимиз истиқболи, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон-шуврати ва бахтиёр авлодлар ёруғ келажagini шарофловчи бу буюк қасида асрлар оша оламоро мағрур таралаверади.

Зотан, бу қўшиқ ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун азиз ва муқаддасдир.

Бу ўқтам ва мардона қасида авлодларимизни шу жонажон юртга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бу соҳир ва муаззам баёт кишиларимизнинг руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, халқимизни янгидан-янги улғуров бунёдкорликларга мудом давлат этаверади.

Фулоҳ МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси



Қўшқўпир туманидаги гилам ишлаб чиқариш хусусий фирмаси 1997 йилдан бери фалият кўрсатиб келади. Бу ерда омилқор, бозор талабини яхши биладиган ишчилар фаолият юритишаётганликлари боис, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.

Сирдарёнинг ўзига хос ўрни, мавқеи бор. Аммо кейинги йилларда пахтачиликда рўй берган қолоқлик туфайли иқтисодийёт издан чиқди. Бу ҳолатнинг юз беришига Президентимиз виллоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида лўнда таъриф бериб ўтди. «...Адолатга нисбатан ишончини йўқотган деҳқон қандай қилиб эртага яна далага чиқади? Қайси юз билан унга яна далага чик, галла эк, пахта эк, деб айта оламиз?»

чалик ҳам пайқадик. Дала соҳибидидаги тушқунлик галвин сувдан кўтарилганда янада яққолроқ сезилди. Кунин кеча ҳузуримизга келгуси мавсумда ким ҳам далага чиқарди... Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Мана шу тахлитдаги иш усули мирзачўллик-

Сирдарё виллоят Кенгаши сессиясидан кейинги ўйлар

туман «Туркистон» кооператив ширкат хўжалиги Тасодифан дала хўжайини-

ДЕХҚОН

адолатга нисбатан ишочни йўқотса

бир аёл кириб келди. Узини мирзаободлик Мақсуда Бозорбоева дея таъништирган аёл дилидаги ний-рўй-рост тўкиб солди.

— Сентабр ойининг иккинчи яримдан то 28 ноябргача далада пахта тердик, - дейди у. — Гапнинг ростки, кейинги ўн беш кунда галла экиб сув қўйиб юборилган далаларда сўнги мисқолларгача пахта тердик. Аммо 1 ноябрдан бўёғига терган пахтамиз учун бирор сўм ҳақ тўланмади. Бу аҳволда

ларга деярли ҳар йили йўлдош бўлиб қолаяпти. Бу одамларни ердан, пахтачиликдан узоклаштиряпти. Шу боис Президентимиз ўртага ташлаган: «Нега Сирдарё пахтасини четдан ҳашарчилар келиб териб бериши керак», деган саволига кўпчилик ер чизиб қолди.

Ер-бебаҳо бойлик. Бу хазинани дуч келган кишига тутқазавериш мумкин эмас. Таассуфки, айрим кишилар ўз омадларини ер олиб синаб кўришни одат-

хўжаликлари бир мисқол ҳам пахта топшира олмаганлиги билан муроса қилиб бўладими? Ер олишдан мақсад она заминга кут-барақа ато этиш эмасми? Тадбиркорликка бел боғлаган кишида иқтидор, аниқ мақсад ва режа бўлмас экан, унинг юзи доим шувуёт бўлиб қолаверади.

Агроекономика мажмуи тизимидаги хўжалик ва корхоналарнинг ойлук маош-даромади ошонинг қолоқликка барҳам беришининг етакчи омиллари билан. Фаллачиликда, фермер, пудратчиға шартномавий режадан ошган ҳосилини қолдириш ҳам долзарб масала. Кейинги йилларда авж олган режа-фалончи учун беш

фоиз, пистончи учун 10 фоизлик қўшимчаларни юкламади одилона иш тўтилса, деҳқон тантилигидан чекинмайди.

Биз қаламга олганимиз Сирдарёнинг кичик бир дардлири. Чўлқуварлар дардиға дармон бўлиш, уларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишға кўмаклашиш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Зеро, давлатимиз раҳбарининг виллоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳар бир чўлқувар қалбини тоғдек кўтарди. Уларнинг эртанги кунға бўлган ишончини мустақамлади. Ишонч, иш-тиҳм бўлган жойда эса барақа, муваффақият бўлади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Шахсининг қадр-қиммати, ҳуқуқлари қонун томонидан ҳимояланган жойда умумий манфаатдорлик, тинчлик ва оқилоллик кутилган даражада бўлади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг онги, тафаккури, қолаверса, ҳуқуқий маданияти билан узвий боғлиқ омиллар уни қамолот сари етаклайди. Республикада фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ислохотлар муваффақиятини муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Ҳуқуқшунос Сайёра ХУЖАЕВА билан мулоқотимиз ана шу мавзуда бўлди.

Нуқтаи назар

мумкинми? Бундай ҳолатларни Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини, бурчни билмаслик билан боғлаш бизнингча нотўғри бўлмасе к...

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ нималарга боғлиқ

– Утган умрни сарҳисоб қилиш инсонга хос одат. Зеро, ана шу хусусият орқали биз ҳаётимиз, қилган ва айни кунларда амалга ошираётган ишларимиз ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Ҳаётимизда маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимиз киффаси, қолаверса одамларимизнинг дунёқарши ва мақсадлари тубдан ўзгарди. Давлатимизнинг истиқлол сари ташлаган илк қадамлари Адолат ва Ҳақиқат гоёсига асосланган эди. Бугун ҳам ана шу гоғлар асосида шаддам одилламоқдамиз. Эндилдикида Ватанимиз, халқимиз келажакга умид ва ишонч кўзи билан қарамокда. Буларнинг барчаси албатта замонамиз кишиларнинг ҳуқуқий маданияти қай даражада юксалганлигидан далолат беради. Маданият эса кенг қамровли тушунча, жамиятда мавजूд соҳа борки унинг ўз маданияти бор. Уларнинг барчаси бирлашиб яшаш маданиятини ташкил этади.

рақ. Дарҳақиқат, инсон тугилиши билан яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Конституцияда эса бу ҳуқуқнинг мустаҳкамланганлиги адлиявий ҳуқуқ ҳисобланади. Давлат томонидан яшаш ҳуқуқи кафолатланади, яъни бир қанча қонунлар билан муҳофазаланади. Демак, инсон ҳуқуқлари жамиятимизда фақат қонунлар билан эмас, балки, кишиларимизнинг ўзини англаши, уларнинг ахлоқий таърибаси билан ҳам мустаҳкамланади. Шу тариқа фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тобора кенгайиб боради.

Инсонни табиат яратганидан лекин уни жамият қамолга етказгани, деган экан донишмандларимиздан бири. Шундай экан юртимизнинг келажак бўлган ёшлари гўзал ҳуқуқли, ҳар томонлама қамолган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳам Конституцияда кўзда тутилган. Айтиш мумкинки, тирик етимларнинг сони кўпайиб, оилавий ажралишларнинг содир бўлиши жамият тараққиётига путур етказиши мумкин. Шунинг учун оилавий ҳаётни қўллаб-қувватлаш, унинг мустаҳкам бўлиши ҳақида ҳаётда қўйиб бўлмаслик катта ўрин тутади.

Демак, буларнинг барчаси ана бориб оилага, унда тарбия топаётган инсонларнинг ҳуқуқига бориб тақалади. Оила бир кўрган бўлса, уни ёритувчи чирок аёл меҳридри. Аёл ҳаёт сўймоқларида хатоликка йўл қўйса, оила кўргони пойдевори нурайд.

Инсоннинг табиат яратганидан лекин уни жамият қамолга етказгани, деган экан донишмандларимиздан бири. Шундай экан юртимизнинг келажак бўлган ёшлари гўзал ҳуқуқли, ҳар томонлама қамолган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳам Конституцияда кўзда тутилган. Айтиш мумкинки, тирик етимларнинг сони кўпайиб, оилавий ажралишларнинг содир бўлиши жамият тараққиётига путур етказиши мумкин. Шунинг учун оилавий ҳаётни қўллаб-қувватлаш, унинг мустаҳкам бўлиши ҳақида ҳаётда қўйиб бўлмаслик катта ўрин тутади.

Демак, ҳуқуқий билимларга таяниб содир бўладиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. – Мен Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида 6 йил ишлаганман. Юқорида оилавий масалаларга кўпроқ тўхтаганимнинг боиси ҳам шунда. Ана шу йиллар давомида турли тақдир эгалари билан учрашдим, уларнинг янгли ҳаётлари билан танишдим. Баъзида ажралишга аҳд қилганларнинг фарзандларини тақдирдан ҳам кўпроқ мол-дунё кизиктириётганлигини кўриб, ўйга толардим. Наҳотки улар учун мол-дунё инсонийлик, меҳр-оқибат тушунчаларидан ҳам улғурок бўлса? Қадимдан шарқона одоб-ахлоққа эга халқимизнинг баъзи фарзандлари наҳотки шу ҳолга тушиб қолган бўлиши?



Яна бир гап. Уткинчи ҳоҳишларга берилиб, баъзилар ўз умрини ҳазон қилишяпти. Хотини бевафалик қилган эрданинг аҳолини бир кўз оқидигизга келтириб кўринг, онасидан айрилган гўдакми? Уларнинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Майли, хотини билан ажрашган йигит бошқасига уйланиб бахтини топиб кетар, лекин, аёлининг қилган номақбул ишларидан кўрган жабри унинг эсидан чиқармаган, кейинги умр йўлдошининг ёққан шамчирғоги ўқиб қалбига ёруғлик олиб қирармикан? Онаизоридан айрилган гўдакнинг қалбига бир қулқот тутиб қўрайлик. Унинг юраги оҳиста ураётганимикан. Балким баъзи кимсалар учун бунинг кизиги йўқдир. Менинг ҳаётим тинч, осуда кечаяпти, деб ўйлашар. Ана шундай бефарқлик хатоларнинг, ажралишларнинг келиб чиқишига олиб келмаслигига ишонши

Жумладан, бир неча йиллар муқаддам 7 та вилоятда хотин-қизлар учун «Ижтимоий мослашув маркази» ҳамда Олимпия билан ҳамкорликда Аёл ва жамият институтини тузилган эди. Мазкур марказ ва жамият Тошкент вилояти, Гулистон, Навоий, Нукус, Термиз, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатяпти. Уларнинг асосий вазифаси шундан иборат бўлдики, бу ерда жиноят йўлига кириб, қамалиб чиққан аёлларимиз ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Шунингдек, аёлларни ҳаётга, оилага қайтариш ва иш билан таъминлаш масалалари ҳам шу марказ томонидан кўриб чиқилиб, уларга қарада ёрдам берилади. Юқорида айтаётган жамиятлар билан аёлларнинг жазони ўташ калониялари ўртасида бир неча йиллик шартномалар тузилган. Ана шу шартномаларга асосан жамият аъзолари, хотин-қизлар кўмиталари ҳодимлари, ҳуқуқшунослар ўша жойларга бориб, ҳуқуқий таърибот ишлари олиб бормоқдалар. Зеро, халқимиз ўртасида миллий қадриятларимизни тарғиб қилиб, ҳуқуқий билим ва дунёқарашларини кенгайтириш орқали ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олса бўлади.

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 63-моддасида – оила жамиятнинг асосий бўлини эканлиги ва у жамият ҳамда давлат муҳофазасида бўлиши қайд этилган. Жумладан, Асосий Қонунимизда ота-оналар ўз фарзандларини воёга етказгунарига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб қайд этилган. Жиноят қаерда пайдо бўлади? Албатта носоғлом оилада. Шундай пайтда аёл ўзининг инсоний ҳуқуқи, қолаверса, оналик бурчини, вазифасини бажариш билан болаларга тўғри йўл кўрсатиши шарт. Аёлининг адашиши – оиланинг барбод бўлишидир. Зеро, аёлининг оиласига қилган хиёнатни ҳеч замонда кечирилмаган. Уларнинг ноўрин хатти-ҳаракат қилишга ҳақлари ҳам йўқ.

Жумладан, бир неча йиллар муқаддам 7 та вилоятда хотин-қизлар учун «Ижтимоий мослашув маркази» ҳамда Олимпия билан ҳамкорликда Аёл ва жамият институтини тузилган эди. Мазкур марказ ва жамият Тошкент вилояти, Гулистон, Навоий, Нукус, Термиз, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатяпти. Уларнинг асосий вазифаси шундан иборат бўлдики, бу ерда жиноят йўлига кириб, қамалиб чиққан аёлларимиз ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Шунингдек, аёлларни ҳаётга, оилага қайтариш ва иш билан таъминлаш масалалари ҳам шу марказ томонидан кўриб чиқилиб, уларга қарада ёрдам берилади. Юқорида айтаётган жамиятлар билан аёлларнинг жазони ўташ калониялари ўртасида бир неча йиллик шартномалар тузилган. Ана шу шартномаларга асосан жамият аъзолари, хотин-қизлар кўмиталари ҳодимлари, ҳуқуқшунослар ўша жойларга бориб, ҳуқуқий таърибот ишлари олиб бормоқдалар. Зеро, халқимиз ўртасида миллий қадриятларимизни тарғиб қилиб, ҳуқуқий билим ва дунёқарашларини кенгайтириш орқали ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олса бўлади.

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Косонсой» санаторийида кишиларнинг дам олиш ва даволанишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хусусан у ерда замонавий таъхис ва даволаш хоналари ишлаб турибди. Дам олувчиларга вақти-вақти билан Наманган ва Фарғона шаҳарларига сайёҳатлар ҳам уюштириляпти.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Конституцияни синчиклаб ўқиб чиқсак, «бозор муносабатлари» ибораси биринчи бор ушбу моддада ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундан келиб чиқади-ган ҳулоса шуки, бозор муносабатларининг бирламчи ҳуқуқий манбаи Конституциядир. Мазкур моддадаги ҳолат иқтисодий соҳасига тегишли бўлган қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларда ривожлантирилди. Жумладан, «Мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Кимматли қозғалар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»-ги ва бошқа шунга ўхшаш қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Айни вақтда уларнинг баъзиларига ҳаёт тақозо қилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда, улардаги қондалар тобора бойитилмоқда.

таси ижара корхоналарига айлантирилди. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг яна бир муҳим хусусияти мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратишдир. Таъкидлаш жоизки, бу бир бутун имтиёзлар тизими орқали бунёд этилди. Бу ижтимоий кафолатлар барча мулкдорлар – ҳиссдорлар, хусусийлаштирилган уй-жойлар, техника ва автотранспорт воситалари, ер майдонлари, фермалар қабилар эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз ифодасини топди. Натижада сезиларли даражадаги ўзгаришлар – макроиктисодий барқарорлик, бозор муносабатларига ўтиш ва умумий макроиктисодий вазиятнинг яхшиланиши кўзга ташлана бошланди. Жумладан, хусусийлаштиришдан олинган даромадлар йил сайин ўсиб борди. Масалан, 1997 йилда бу кўрсаткич 4,4 миллиард, 1998 йилда 8,8 миллиард, 1999 йилда 9,1 миллиард, 2000 йилда 14,3 миллиард сўмни ташкил этди. 2001 йилда республика-мизда жами 1449 та корхона хусусийлаштирилиб, улар негизда 775 та хусусий корхона, 240 та очик турдаги ҳиссдорлик жамияти ва 674 та турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат корхоналари тузилди. Хусусийлаштириш натижасида давлат бюджетига тушган пул маблағлари ҳажми эса 23,2 миллиард сўмни ташкил этди.

«... Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жаҳатдан баб-баравар муҳофазатилишини кафолатлайди.»
(Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддаси)

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг илк босқичидаёқ мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ҳамда давлат мулки монополизмини тутатиш ва хусусийлаштириш ҳисобига кўп тармоқли иқтисодийни жадал шакллантириш вазифаси қўйилди. Мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун ҳуқуқий меъёрлар ва тегишли механизм яратилди.

Натижада сезиларли даражадаги ўзгаришлар – макроиктисодий барқарорлик, бозор муносабатларига ўтиш ва умумий макроиктисодий вазиятнинг яхшиланиши кўзга ташлана бошланди. Жумладан, хусусийлаштиришдан олинган даромадлар йил сайин ўсиб борди. Масалан, 1997 йилда бу кўрсаткич 4,4 миллиард, 1998 йилда 8,8 миллиард, 1999 йилда 9,1 миллиард, 2000 йилда 14,3 миллиард сўмни ташкил этди. 2001 йилда республика-мизда жами 1449 та корхона хусусийлаштирилиб, улар негизда 775 та хусусий корхона, 240 та очик турдаги ҳиссдорлик жамияти ва 674 та турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат корхоналари тузилди. Хусусийлаштириш натижасида давлат бюджетига тушган пул маблағлари ҳажми эса 23,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади». Зеро, ҳар қандай тизимнинг ишлаб чиқариш муносабатларини характерловчи муҳим хусусияти мулкчилик муносабатлари ҳисобланади. Маълумки, мулкчилик муносабатлари жамиятдаги бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол, ўзлаштириш бўйича бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу жараённинг биринчи босқичида савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусий ва жамоа мулки қилиб берилди. Натижада савдо-сотик ҳажми ва умумий оқват-лаштириш ялли маҳсулотининг 95 фоиздан ортиқроғи давлатга қарашли бўлган секторга тўғри келди. Уй-жойларни хусусийлаштириш жараёнида эса илгари давлат иштиёрида бўлган уй-жой фонднинг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Мулкчилик муносабатлари унинг объекти ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулк объектига инсон яратган моддий ва маънавий, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, ишчи кучи қабилар кирди. Ва унда асосий бўғин ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш ҳисобланади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга мулк объектини ўзлаштирувчи, мулкни муносабатлар иш-тироқчиларидир. Мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги са-

бир ишчи-ҳодимга меҳнат стажига қараб бир мартали нафақа пули тўланмоқда. Шу асосда тўққиз ой мобайнида 17 нафар нафақахўрга 1 миллион 260 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, қарияларни қарлаш йили муносабати билан корхонада ишлаб кетган 314 нафақахўрга 2 миллион 848 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 80 ёшга кирган нафақахўрлар пенсиясига қўшимча 20 фоиз ҳақ тўланмоқда. Ишловчиларнинг соғлигини тиклашга ҳам катта эътибор қаратилди. 20 нафар ишчи-хизматчи республикамиздаги турли сихатҳо-ларда дам олиб қайтди.

Шеркул ШОДМОНОВ, профессор, Турғун ЗИЯЕВ, факхрий доктор, Шоира ИСРОЙЛОВА, катта ўқитувчи.

«ФАРҒОНА ГАЗТАЪМИНОТ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

215,3 километр газ қувурини ишга туширди

кувурлари тортиш ўтган йилларга нисбатан анча кўпайди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 215,3 километр газ қувурлари тортилиб, улардан қишлоқ хона-донларига «зангори олов» оқа бошлади. Шу билан бирга вилоятнинг Ёзёвон ва Охунбобоев туманлари аҳолисини табиий газ билан таъминлашдаги жиддийлик компанияси томонидан етарли маблағ ажратилмаслиги оқибатида умумий узунлиги 14 километрли юқори босимли газ қувурларидан шу кунгача 7,2 километр тортилган, ҳолос, Худди шундай ҳолат Бувайда туманида қурилиш режалаштирилган газ тақсимлаш станциясида ҳам қузатилмоқда. Қурилиши жорий

Қиш имтиҳон қилади

йилнинг тўртинчи чоракга мўлжалланган мазкур иншоотда ҳали бирон сўмлик иш бажарилмаган. Шуниси эътиборга лойикки, шўъба корхона маъмурияти ва касаб

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

РОССИЯЛИК ҲАМКОРЛАР

Сўнги йилларда Қорақалпоғистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги корхоналар, янги иш ўринлари яратиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 минг 200 га яқин ўрта ва кичик корхона ташкил этилиб, 12 минг 300 дан зиёд иш ўринлари очилди.

Эллиқалфа туманида Россиянинг Челябинск вилояти Коркино шаҳрида жойлашган «Қурилишлойиҳа» ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда «Элрослес» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу тумандаги учинчи қўшма корхонадир.

Россиялик ҳамкорлар технология ва хомашё етказиб беради. Корхонада мактаблар, болалар боғчалари, лицей ва коллежлар учун мебел, уй-рўзғор буюмлари тайёрланади.

Шунингдек, туманда Фарғонадаги «ЎзСаламан» ҳиссдорлик жамиятининг «ЭлЎзСаламан» шўъба корхонаси ҳам иш бошлаш арафасида.

– Фарғонадан дастоҳлар келтирилиб ўрнатилмоқда, – дейди корхона раҳбари Султонбой Урунов. – 30 нафар йигит-қизни малака ошириш учун Фарғонага жўнатдик. Корхонамизда жами 350 киши меҳнат қилади.

(ЎЗА).

Истеъмолчиларни қузғи, айниқса, қишки мавсумда беминнат табиий газ билан таъминлаш максасида Фарғона вилоятида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. 12970 километр газ қувурлари ҳамда 674 та юқори, 7917 та ўрта босимли газ тақсимлаш қутилари тўла теҳна-рувдан ўтказилди. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 479 мингдан ошми хонадон табиий ёқилғи, 64 минг хонадон эса суюлтирилган газ билан таъминланган.

«Фарғонагазтаъминот» шўъба корхонаси томонидан хонадонларга газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 15975 та газ ҳисоблагич истеъмолчилар хонадонига ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳоли жойларини сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг ижроси юзасидан аҳоли яшаш жойларига янги газ

ТОРТИК

Янгийўл туманидаги балиқ уруғлик хўжалиги аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминловчи йирик ишлаб чиқариш тизимларидан бири ҳисобланади. Яқунланаётган йилнинг ўтган ойлари мобайнида хўжалик аъзолари республикамиздаги бошқа балиқ хўжалиқлари учун 29 миллион дондан ортиқ балиқ етиштириб, бу борадаги режани тўлиқ уддаладилар. Бундан ташқари эл дастурхонига 1,5 тоннадан ортиқ ана шундай «тансиқтаом» етказиб берилди. Бу нёъматлар хўжалик таркибидидаги салкам 201 гектарлик табиий кўлда етиштирилди. Айни пайтда хўжалик аъзолари халқимизнинг янги йил дастурхонига балиқ ва балиқ маҳсулотларини кўпроқ тортиқ қилиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Болалар спорти

ОЛИМПИА ЎРИНБОСАРЛАРИ ШУХРАТИ

Жаҳон спорт майдонларидаги улкан галабалари билан Ватанимиз шухратини дунёга ёйган андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткирбек Хайдаров, Темур Туляков, Алёна Аксенова, Игор Халиловларни ким билмайди, дейсиз. Уларнинг аксари вилоятдаги республика олимпия ўринбосарлари касб-хунар коллежида сабоқ олган. Бу ўзбек спортининг келажаги ишончли кўларда эканлиги, спортининг довуғи хали бутун кулраи заминни хайратга солишидан дарақдир.

Ўйинларида бутун дунё тан берди: у халқаро тоифадаги спорт устаси уновони муассар бўлди. Белбоғли кураш бўйича республика мутлоқ чемпиони Шавкат Омонуллоев, «Универсиада-2002» ғолиби Ихтиёр Эгамов, Пусандаги Осие ўйинлари олтин медали соҳиби Антонина Москалева, стол теннис хадисини олган ака-ука Альберт ва Темур Ширяевлар, энгил атлетикачи Вероника Қирғизбоева, самбочу опасингиллар Дилором ва Дилфуза Қамбаровалар ҳам андижонликларнинг фахр-ифтихорига айланган.

Коллеж раҳбари Дилшодбек Хамзаевни ўз хонасида кўтаринки кайфиятда учратдик. Қаршисида коллеж тарихи муҳрланган альбомлар, рангли суратлар. Хушнудлиги боисини сўрасак, шундай жавоб қўйди: «Хозиргина машқ майдонларидан келдим. Теннисчилар, боксчилар, атлетикачиларнинг машғулотларини хузурулиб томоша қилдим. Ҳа, Муҳаммадқодир-у Ўткирбеклар, Алёна-ю Игорларнинг янги издошлари етишиб чиқаяпти. Холбуки, улар кечагина кўча чангилиб юрган болалар эди.

даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори, хизмат кўрсатган бокс мураббийи В.Золотарев, иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиблари - М.Кўчқоров, А.Размахов, халқ таълими аълочиси Н.Махмудовларни кўпчилик танийди.

Коллеж асосан олимпия ўринбосарларини тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, ёшлар бокс, энгил атлетика, кураш, мерганлик, теннис, чим устида жоккей, футбол бўйича мутахассис бўлиб етишяпти. Улар орасида ёш бўлса-да, таниқлилари кўплаб топилади. Масалан, 11-синф ўқувчиси Б.Султонов бокс бўйича ўсимирлар ўртасида Боку шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. У ҳозир ёшлар терма жамоаси аъзоси. 2001 йили январ ойида Хиндистоннинг Лудхиана шаҳрида бўлган қўша беллашувида андижонлик хоккейчи ўғил болалар фахрли бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. 1996 йили АҚШда ўтказилган XXVI ёзги олимпиада ўйинларида мамлакат терма жамоаси тарихида 15 нафар коллеж тарбияланувчиси иштирок этди. Сиднейда ўтказилган XXVII ёзги олимпиада мусобақаларида андижонликлардан бир нафари олтин, икки нафари кумуш медал билан тақдирланди.

Иринининг кўрсаткичларидан хабардор қилмоқчимиз, - деди Рўзбой ака мамнун ҳолда. - Танлов ҳайъати ҳамма чиқошларига бир овоздан оқори бал қўйди. Гап навбатдаги мусобақага ҳозирланаётган 9-синф талабаси, энгил атлетикачи Ирина Мороз ҳақида кетаётганлигини кейинчалик билдик. Директор Иринани мактаб ўқувчиларининг вилоят босқичидаги спорт беллашувларидан бирида танлаб олганлигини айтиб қолди.

Эндигина 30 ёшни қоралаган Игор Халилов асли бухоролик эса-да, унинг маҳорати коллежда чархланган. Бир неча бор мамлакат ва қўша биринчиликлар совиндориди бўлган оғир атлетикачи XI ва XII Осие ўйинларида голиблик нашидасини сурган. XXVII ёзги олимпиадада иштирок этиб, халқаро спорт устаси уновини олган. Таърибли спортчилардан яна бири Алёна Аксенова ҳам мактабнинг соиб талабаларидан. 23 ёшли муҳир мерганга 2000 йилги олимпия

Кўраясизки, коллеж жамоаси терма жамоалар учун муносиб ўринбосарлар етиштиришда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни муваффақиятли адо этишмоқда. Айни кунларда 271 нафар ёш спортчи 8 тур бўйича маҳоратларини оширмоқда. Талабаларга 18 нафар фан ўқувчиси, 22 нафар мураббий устозлик қилмоқда. Улардан биринчи

ларнинг ижтимоий Ҳимояси яхши йўлга қўйилган. Талабалар ётоқхона ва тўрт маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Мураббийлар жамоаси ҳам 50 фонзлик имтиёз билан коллеж ошхонасида овқатландилар. Жорий йилда 23 нафар мураббий, 16 нафар фан ўқувчиси Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларидаги сихатгоҳларда хордик чиқардилар. Вилоят ҳокимлиги болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берапти. Андижон шаҳрида қарийб 12 гектар майдонни эгаллаган 300 ўринли жаҳон андозаларига мос янги спорт касб-хунар коллежи қурилиши қизғин олиб бориляпти.

Таъқидлаш ўринлики, ўқув юртида спортчи ёш

СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Турнир ўтказиш гоёси билан ўз раҳбариятимизга мурожаат этганимизда, улар тақлифимизни бажонидил қўллаб-қувватлашди, - дейди университет спорт клуби раиси Ашурбек Абдусатторов биз билан суҳбатда. - Ректоримиз Ҳасан Бўриев турнирни Конституциянинг 10 йиллик тўйи арафасида ўтказиш фикрини ўртага ташладилар. Бош мақсадимиз эса дунё бўйлаб кезаётган ўзбек курашининг талаба-ёшлар орасида кенг тарғиб қилишдан иборат эди. Ўйлайманки, мақсадимизга эришдик. Келгусида бу турнирни Марказий, Осие

мамлакатлари талабалари ўртасида ўтказишни режалаштирганмиз. Дарҳақиқат, мусобақа ўтган Аграр университети спорт зали кураш ихлосмандлари билан лиқ тўлди. Гиламдаги баҳслар ўта муросасиз тус олди. Айниқса, 73 кг вазнда гиламга чиққан Қашқадарё вилояти ва

рессида эса курашни янада ривожлантириш, ассоциацияга янги федерацияларни қабул қилиш, малака мураббийлар тайёрлаш хусусида сўз борди. Дехлидаги муҳташам спорт саройида Осие чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ўзбекино аяккат мариос, саф тортган полвонларга КХА президенти Комил Юсупов омад тилади. Таъкидлаш жоизки, бир неча вазн тоифасида ўтказиладиган бу мусобақаларда кўшамизнинг полвон кизлари ҳам гиламга чиқади.

қонунимизнинг 10 йиллигига бағишланган қабул маросими бўлди. Унда Хиндистон жамоатчилиги, дипломатик корпус вакиллари билан бирга, Осие чемпионатида ташриф буюрган полвонлар иштирок этди. Миллий аъналаримиз, хусусан, курашни мадҳ этувчи қўшқушқлар йиғилганларда катта таасурот қолдирди. Кураш халқаро ассоциацияси ижроия кўмитасининг навбатдаги йиғилишида 2003 йилги мусобақалар тақвими, бешинчи жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Осие кураш конфедерациясининг конг-

Тоғлар кўйнидаги Кампировов сув омборидан бошланадиган Қорадарё Қолганларё билан туташиган жойда Кемабоши қишлоғи бор. Атрофидаги юзлаб гектар майдонларда қамишзорлар шовуллаган бу қадимий қишлоқ одамлари асосан чорвачилик, бўш вақтларида чавандозлик билан шуғулланганлар. Қишлоқ кексалари билан суҳбатлашсангиз, «Раҳмонча чавандоз» номини кўп тилга олишадди. Утмиш спортинимиз юлдузларидан саналган Раҳмонча чавандоз ёки бобонинг отаси ҳақида эшитганларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

рида бўлмасмиди! ...Анчадан бери кўрпа-ёстиқ қилиб ётган отаси ўтган оқшом бош кўтарди. Сербутюк хассасини дўқиллатганича уйлари ортидаги томорқага ўтди. Сарғая бошлаган, поялари маҳзун тебранаятган жўҳоризорларга қараб бошини норози тебратди: «Кўзларинг очикимди сенларнинг ёки ожизланиб

ка давра теварагини айланаркан, қитмироқ томошабинлардан бири киноя қилди: «Тулпорни қийнай бервалар, полвон, араванинг гулчагига бўлсаям боғлангда, бизнинг қаторимизга қўшилиб томоша қилинг, ўйиннинг қизиги ўтиб кетаяпти. Ҳаяжондан қалтираётган Раҳмончанинг хаёлида ни-

қанида мўъжазгина кир чорси боғланган бошини кўтарди-ю, ҳеч нарса бўлмаганидек чанг чилла туманидек сузаётган тўда орасига қўшилиб кетди. Бир дақиқа сув қуйилгандек сукунат чўккан майдон эса олдинги қандай ҳодиса содир бўлаётганига тушунмасдан боққан, сўнгра ғайритабиий ҳолатдан ҳайратга тушган халойиқнинг қудратли ҳайқирғи билан силкиниб олгандек эди.

«Раҳмонча полвонга офарин! ... Раҳмонча тулпорининг қаноти бор, деганлари рост экан! - Оломон чавандозини олишди. Шу кун Раҳмонча юз чоғли отлар тўдаси орасидан уч бор кўпқарини олиб чиқиб, каттагина совринга эга бўлди, беркорга ном таратмаганлигини намойиш этди. Фирқўк эса қанотли тулпор деган ном олиб шухрат топди.

Раҳмонча полвон келди! - Отини кўринлар, нақд юлдузини кўзлайди-я! Шовқин-сурон орасидан бошқача тоифадаги фикрларни ҳам эшитиш мумкин эди: - Шу одамми, хали Раҳмонча полвонинг? - Довруғи оламни бузди-я, ўзи жинқарчадек кина-ку! Одамлар ҳам пашшадан фил ясашади-да, ўзиям. - Отиям касалми дейман, қарагин, қариган қаргадек аранг оёқда турибди. Фирқўк дейишса, юлдузини кўзларкан-да, десам, мангал эшакдан фарқи йўқ. Бошқа биров масхаро-

қолганми? Раҳмонча бошини экан-нича отаси танбехини тинларкан, ҳеч нарса тушунмади. Ахир, экин чакки битмаган-ку! Бошоқлар донга тўлик. Ярим таноб пайкални шу ҳолга келтиргунча озмунча тер тўкилдими! - Нега эчкидек анқаясан? - Чол титраб бақирди. - Гудакларга ишониб донни қуришиб бўлсан-ку. Чумчўк чўкиламаган бирон-та бошоқ қолмапти! Тўғри, отасининг қуйиб-пишганича бор. Эрта-индин деб йиғиштириб олиш-

лар ари уясидек ғўжғон ўйнаётган тўпдан кўз узмайди. Майдон ўртасида уй томидек баландиқда қурилган кўтарма сўрида набира тўйи ўтказаятган Ҳожиматобой шаҳар амалдорлари қуршовида давра қурган. Кимки улқони майдонда айлантириб кўтарма сўри пойма келтириб ташласа, соврин ўшаники. У ёқдан бу ёққа чопқиллаётган тулпорлар галасини қурган, улоқ ва поймага ўрганган Фирқўк безовта бўла бошлади. Отдаги бедорлик чавандозга ҳам кўчди. Юраги ҳовлиқани-

мадир «ялт» этди. Араванинг гулчагига деяртимми? Ўртага ўтиш йўли ҳар томондан тўсилган. Улоққа қўшила олмасдан қишлоққа юзи шувит бўлиб қайтгандан кўра оти билан аравашотисигами, гулчакками урилиб ўлиб кетгани минг бор афзал эмасми! Фирқўк бошини майдон четини маржон донларидек ўраб турган араваларчетига қараб бурди. Кўпқарини ортидан эргашган тўда шу тарафга қараб бултўддек қйинлашиб келарди. Ҳаманинг нигоҳи шу ёқда. - Ҳа, Фирқўким, кўрсат

қанида мўъжазгина кир чорси боғланган бошини кўтарди-ю, ҳеч нарса бўлмаганидек чанг чилла туманидек сузаётган тўда орасига қўшилиб кетди. Бир дақиқа сув қуйилгандек сукунат чўккан майдон эса олдинги қандай ҳодиса содир бўлаётганига тушунмасдан боққан, сўнгра ғайритабиий ҳолатдан ҳайратга тушган халойиқнинг қудратли ҳайқирғи билан силкиниб олгандек эди.

«Раҳмонча полвонга офарин! ... Раҳмонча тулпорининг қаноти бор, деганлари рост экан! - Оломон чавандозини олишди. Шу кун Раҳмонча юз чоғли отлар тўдаси орасидан уч бор кўпқарини олиб чиқиб, каттагина совринга эга бўлди, беркорга ном таратмаганлигини намойиш этди. Фирқўк эса қанотли тулпор деган ном олиб шухрат топди.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Екубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 02.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ЎЗБЕК КУРАШИНING ХИНДИСТОНДАГИ БАЙРАМИ Фахр Самбо ШАВКАТ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ Панамада бўлиб ўтган самбо бўйича XXVI жаҳон чемпионатида мамлакатимиздан беш нафар спортчи иштирок этиб, битта олтин ва иккита бронза медалини қўлга киритди. Чемпионатнинг 52 килограмм вазн тоифаси бўйича мажоримиз Шавкат Жўраев Ватанимиз спорт шарафини муносиб Ҳимоя қилди. У панамалик, қозғистонлик ва болгариялик рақиблари устидан галаба қозонди ва финалда спортнинг бу тури бўйича жаҳонда ўта кучли саналган Россия вакили Денис Чернецовни мағлуб этиб, олтин медал соҳиби бўлди. - Бундай йирик мусобақаларда спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирок этаётгани мамлакатимизда спортга қаратилган улкан эътибор натижаси деб биламан, - деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Ш.Жўраев ЎзА мухбирига. Жаҳон чемпионатида спортчиларимиз Акобир Қурбанов ва Марина Қодирова учинчи ўринни эгалладди. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси кўмитанинг ижтимоий-иқтисодий Ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедова қизи ГҮЛЧЕХРАНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ҚАНОТ ЧИҚАРГАН ТУЛПОР кучингни! - Чавандоз шундай дея қичқирганича аравалар тўсигига қараб от бошини бурди. Томошабинлар майдон ташқарисидан от чоптираётган чавандоз мақсадини тушуниб етгунча, Раҳмонча ичкарида ёввойи овозда хайқираётган тўда томон қйинлашиб қолганди. Ниҳоят, кўз олдида аравалар тўсиги қаторлашганида чавандоз отни рағбатлантиригандек жиловни қаттиқ силтади-да, кўзини чирт юмди. Фирқўк тўсиқ қаршисидан иккиланмади. Чамаси эгаси ниятини тушуниб этди: оёқларини ҳар икки томонга қериб илондек чўзилди-да, худди қанот чиқаргандек бири иккинчисига занжир халқалардек чирмаштирилган аравалар шотиси узра кўкка сакради. Бу пайтда чавандоз гўёки отга сингиб кетгандек эди. Фирқўк тўёқлари гулпилаб ерга тек-

Талабалар ўртасида республика турнири кили Элмурод Соатов то финал баҳсига етиб келгунча барча рақибларини соф устунликда энгиб, мух- мизнинг бош маъноси ҳалоллик, ҳалол кураш тушиш дегани. Бежизга унинг атамалари орасида «ҳалол» қаломи жой олмаган. Дарвоқе, қолган вазн тоифаларида ҳам курашлар гоёт қизиқарли бўлди. Уларда куйидаги спортчилар голиб чиқдилар: Алламурод Соборов (Урганч Давлат университети), Шерзод Мухторов, Шухрат Муродов, Ҳамза Турсунов, Давлат Чориев, (Тошкент Давлат Аграр университети) Юсуф Гулиев, Лазиз Қобилов (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети). Голибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Уларни ташкилотчилар - Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхорр Ғулмомов, Қишлоқ ва сув Ҳўжалиги вазири ўринбосари Абдувоҳид Жўраев, Халқаро Кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов ўз эгаларига топширдилар. Абдулҳай ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири, Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.

Ўтган ҳафта Тошкент Давлат Аграр университети спорт клуби залларида ўзбек кураши бўйича талабалар ўртасида республика турнири бўлиб ўтди. Бош Комусимиз - Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилган мазкур турнирда мамлакатимизнинг турли билим масканларида таълим олаётган 280 нафардан зиёд ёш полвонлар 7 вазн тоифасида куч синашдилар. Қизгин курашлар остида ўтган баҳсларда Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан талаба ёшлар иштирок этди.

ҲАЛОЛЛИК РАМЗИ

лислар олқишига сазовор бўлди. Финалда у тошкентлик Ҳамза Турсуновга қарши гиламга чиқди. Тенг курашлар остида ўтаётган баҳсда Ҳамза Турсунов усул қўлламоқчи бўлди. Бирок у ниҳоянмай қолди. Ён ҳакамлар ёнбош баҳосини кўрсатишдан бўлса-да, бош ҳакам Х.Турсуновнинг бу ҳаракатини «ҳалол» дея баҳолади. Биз баҳсларни кузатаётганлардан бири, икки қара жаҳон чемпиони Баҳром Авазовдан ушбу ҳолатни шарҳлаб беришни сўрадик: - Бу ерда шак-шубҳасиз ёнбош баҳоси берилиши керак эди. Ҳакамларнинг янглишуви қизиқарли кечили қутилган баҳсни ярим йўлда тўхтади қўйди. Бир қарашда арзимасдек кўринган бу ҳолатни ёзиб ўтириш шартмикан, деган савол тугилади? Фикримизча, миллатимиз ифтихори бўлган кураши-